

БУГУНГИ СОНДАН ИҚТИБОСЛАР

Шунда Президент маслаҳатчиси: "Мен бу опани биламан, бутун умрини матбуотга бағишлаган. Менинча унинг номзоди ушбу мукофотга ҳар томонлама муносиб", деганда унинг фикрига ҳамма қўшилган экан.

2

Тил — ижтимоий ҳодиса. Унинг табиат қонунлари ҳам алоқаси йўқ. Уни ривожлантириш ҳам, барбод қилиш ҳам инсоннинг қўлида. Одамзотга йўқдан бўлиб этиш буюрилмаган, йўқдан бор қиллолмади. Лекин борини ривожлантириш, борида узига қулайини, мукамалроғини барпо этиш учун ақл берилган.

3

Мана, бир неча кундири, мохи Рамазон шўқуҳи билан яхшиликлар фаслди. Бу йилги Рамазон оғир ва синови кунларга тўри келганига қарамай, юртимиз мусулмонлари кундузлари рузатутиб, кечалари ибодатда бўлиб, элимизга тинчлик, қалбларимизга хотиржамлик тилаб дуо қилишмоқдалар.

4

Ўйда қолинг!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
9 май

ШАНБА
№ 32 (13293)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Бугун дунёнинг кўпгина давлатларида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги кенг нишонланмоқда. Юртимизда ҳам мазкур байрам кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда. Президентимизнинг ўтган йили октябрь ойида эълон қилинган "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига кўра жойларда "Аждодларимиз жасорати — мангу барҳаёт" ғояси асосида тарғибот, бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилди.

БАХТИМИЗ БОҒБОНЛАРИ



Урушда ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, шунингдек, фашизмга қарши жангларда ҳамда фронт ортида жонбозлик кўрсатган, бугунги кунда ҳаёт бўлган фахрийларимизнинг қахрамонликлари ва фидокорона хизматларини халқимизга етказиш учун Тошкент шаҳрида "Ғалаба боғи", вилоятлар марказларида ёдгорлик мажмуалари қурилди. Уларга ташриф буюрган ватандошларимизда, айниқса, ёшларимизда мана шундай жасоратли аждодларимизнинг вориси эканликларидан фахрланиш ҳисси уйғонади.

Куйи Чирчиқ туманида ҳам Юртбошимизнинг қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Маҳаллалар, кўчалар, ташкилот ва муассасалар, қабристонлар ободонлаштирилди. Фронт ва фронт ортида қахрамонлик кўрсатган тумандошларимиз ҳолидан хабар олинмоқда. Жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — 95 ёшли Эргаш ота Қўчқорбоев, 95 ёшли Қовунбой ота Холматов ҳамда бу йил 100 ёшни қаршилаётган Тошпўлат ота Мусуровларнинг хонадонларига туман ҳокимлиги бошчилигида қатор ташкилот вакиллари келиб, суҳбатлашиб, уларнинг яшаш шароитлари билан танишиб, барча керакли ёрдамни кўрсатмоқдалар, дуоларини олмоқдалар. Отаҳонлар уруш ва ундан кейинги оғир даврларни, кўрган-кечирганларини сўзлаганларида кўзларига ёш олишади, ҳозирги тинч ҳаёт учун шукр қилиш кераклигини таъкидлашади.

(Давоми 4-саҳифада)

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Akfa medline" тиббиёт марказида тантанали тадбир ўтказилди. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур тадбирга 30 га яқин уруш қатнашчилари ва фахрийлари таклиф этилиб, дастурхон ёзилди.



МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ЭЪТИРОФИ



Таъкидлаш жоизки, Иккинчи жаҳон уруши Ватанимиз сарҳадларидан анча олисда юз берган бўлсада, унинг азобу уқубатлари ҳеч бир ўзбек хонадонини четлаб ўтмади. Ҳамюртларимиз инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушда мардларча жанг қилиб, кўплари қахрамонларча ҳалок бўлди, омон қолганларининг аксарияти эса уйига ногирон ҳолда қайтди.

(Давоми 2-саҳифада)

"ЎН САККИЗДА ЭДИМ ЎШАНДА..."



Манъум уруш бошланганида эндигина 18 баҳорни қаршилаган чинозлик Йўлдош Норматовнинг аҳди қатъий эди: "Душманни ер тишлатма-унча, она Ватанига қайтиш йўқ!"

Хитой ва Япония давлатларида бўлган жангларда мислсиз қахрамонлик намунасини кўрсатган Йўлдош Норматов бир неча бор яраланган бўлсада, қуролдош дўстларини,

жанг майдонини ташлаб кетмади. Ўқлар визиллаб учар, снарядлар портлар, жанговар юришлар давом этарди. Бутун куч, ҳарбий техника, қирувчи самолётлар, қурол-аслаҳа —

барчаси фронт учун!

...Дориламон кунлар келди. Аҳдига содиқ Йўлдош Норматов қишлоғига зафар қўчиб, кўксига орден ва медаллар тақиб қайтди. Чинакам қахрамон! Ҳозирда кексалик шукронасини қилиб, пири бадавлатликда умргузаронлик қилаётган Йўлдош ота 3 ўғил, 7 қиз, ўнлаб набираю абиралар ардоғида.

Аллома АЗИЗОВА
Тошкент ҳақиқати/
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

Вафо хайкали

"Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб мухташам хайкал ўрнатсак, унга "Матонат мадҳияси" деб ном берсак..."

Шавкат МИРЗИЕЕВ
2019 йил, 9 май

Ҳар кўнгилда орзу бор, армони ҳам уммондир, Инсон умри аслида, орзу билан армондир, Вафодан йироқ бўлса, яшагани ёлғондир, Уйламанг, машъум жанглар ўтмишининг ҳикояси Бу даргоҳ — тирик тарих, "Матонат мадҳияси".

Бир жаҳонни кул қилди икки жаҳон уруши, Иккинчиси Гитлернинг қаҳрида қон уруши, Етмиш беш йил ўтса ҳам, титратар жон, уруши, Беш юз минг шаҳид ахир, миллат дилин яраси, Қурбонларни ёд этмоқ — "Матонат мадҳияси".

Беш ўғил туққан она — бешта тоғим бор, деган, Изимда ёниб турган беш чирогим бор, деган, Ҳар бири юрт қалқони, эл олдида ор, деган, Аммо жангдан қайтмади, бешов жигарпораси, Матонатидан гирён — "Матонат мадҳияси".

Бугун эл танимокда Зулфия Зокир қизин, Таниганда тополмас ойдан ҳам ёруғ изин, Ўзбек онаси шундоқ — оқлаган она тузин, Бир онанинг беш ўғли — Ватанинг беш қояси, Беш қоя бир онанинг "Матонат мадҳияси".

Ҳеч бир кимса кўрмасин, бундай дил озорини, Кўз очинг, қалбни очинг, тингланг она зорини, Ғалаба боғида ҳам йўқлар бешта норини, Бормикин бир онага беш азоб ниҳояси, Беш ўғил — бир онанинг "Матонат мадҳияси".

"Исоқжоним — тўнғичим, аввал келар, деб эдим, Изидан Аҳмаджоним елдек елар, деб эдим, Мамажон мамнун келса, уйим тўлар, деб эдим, Ваҳобжон, Юсуфжоним на ўзи бор — сояси, Беш ўғлим — миллатимнинг "Матонат мадҳияси".

Келинлар қайнонанинг қадрига қалқон бўлди, Тўрт келин бир онанинг дардида дармон бўлди, Ҳаётдан тоқ ўтдилар, беш етимга жон бўлди, Бу ўзбек аёлининг орият ҳимояси, Садоқат санамларин "Матонат мадҳияси".

Зулфия она умри — вафонинг ноласидир, Тўрт келин туққан ёшлар — соғинчнинг жоласидир, Улар бир мушт, беш бармоқ — Ўзбекининг онасидир, Вафого хайкал қўймоқ — Юртбошимнинг ғояси, Шу ғоядан яралди — "Матонат мадҳияси".

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳамкасбларимизни эслаб...

УЛАР ЧИНАКАМ ФИДОЙИЛАР ЭДИ

Мамлакатимизда 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни эълон қилиш мақсадида жуда катта маъмурий-маънавий берилини яхши биламиз. Зеро, ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш халқимизга хоё фаёлатлардан. Шу маънода, бугун "Тошкент ҳақиқати" газетаси таърифида ушбу йиллар маънавий қилиб ўзидан муносиб из қолдирган ҳамкасбларимиз ҳақидаги ушбу хотиралар ҳам ана шундай эзу ниятда тайёрланди.

Аслида, мамлакатимиздаги фахрий журналистларнинг олдинги сафларида бўлган Жўра Саъдуллаевнинг фаолияти ва ижодига ортиқча таърифнинг ҳожаги йўқ. Уни республикамизда кўпчилик, айниқса, журналистлар яхши билишади. Ўзининг ижодий фаолиятини Қўбрай тумани ижтимоий-сиёсий газетасида бошлаган Жўра Саъдуллаев Зангиота тумани ижтимоий-сиёсий газетасида муҳаррир, "Ёш ленинчи" газетасида бўлим мудири, 14 йил мобайнида "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасида муҳбир, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, 1988-1989 йилларда "Муштум" журналида бош муҳаррир бўлиб ишлади. Кейинги йилларда "Қишлоқ ҳаёти", "Халқ сўзи" газеталарида фойлият юритди, "Ўзбекистон табиати", "Муносабат" (ҳозирги "Нуроний") газеталарида бош муҳаррирлик қилди.

(Давоми 2-саҳифада)

КОРОНАВИРУС БҲЙИЧА МАЪЛУМОТ:

2020 йил 8 май соат 15:00 ҳолатига кўра, касалланганлар — 2324 нафар; тузалганлар — 1721 нафар; вафот этганлар — 10 нафар.



Хабарингиз бор, жорий йил 8 майдан бошлаб Ўзбекистонда карантин чекловлари бир мунча енгиллаштирилиб, ҳудудлар "қизил", "сарик", "яшил" даражалар билан чекланадиган режим жорий этилди.

Мавзуга доир
мақолани
2-саҳифада ўқинг





МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ЭЪТИРОФИ



Энг ачинарлиси, кўплаб болалар етим қолди, фронт ортидагилар эса очарчилик, йўқчиликдан қаттиқ азоб чекди. Бироқ, шундай қийин дамларда ҳам халқимизнинг қадди букилмади.

Тадбирда дастлаб Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига йўллаган байрам табриги ўқиш эшиттирилди. Шундан сўнг Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов тадбир иштирокчиларини байрам билан табриклаб, фахрийларимизнинг жанг майдонларида кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликлари ҳеч қачон унутилмаслигини алоҳида таъкидлади.

Тадбир давомида уруш қатнашчиларига пул мукофотлари, (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

эсдалик медаллари ва қиммат-баҳо совғалар топширилди. Вилоятимиздан ташриф буюрган уруш фахрийлари — Файзулла ота Нурматов, Аноркул ота Хотамов, Бексей ота Боймирзаев, Раҳим ота Илясов ва Ўриш ота Турғуновларга совғаларни вилоят ҳокимининг ўзи топширди.

— Президентимиз томонидан бизларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди нурафшонлик Раҳим ота Илясов. — Мана шундай эътирофга сазовор бўлган кезларимда жанг майдонларида чеккан азобларим бе-самар кетмаганидан кўнглим таскин топади.

Зухриддин РАҲМОНОВ
Тошкент ҳақиқати/
Мансур ҲИММатов
олган суратлар

У қаерда, қайси лавозимда фаолият юритмасин фаол яшади, ёниб ижод қилди. Замона қаҳрамонларини халқимизнинг оддий ишчилари, деҳқонлари, муаллимлари, шифокорлари ва бошқа касб эгаларидан излади. Улар ҳақида кўплаб очерк ва лавҳалар яратдики, мазкур мақолалар ҳалигача ёш журналистлар учун ижод мактаби бўлиб келмоқда.

Жўра Саъдуллаевнинг қаламига мансуб “Қамолот йўллари”, “Тик парвоз”, “Сўнгги топширик” рисоалари, таниқли ижодкорлар ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Ўзбекистон юлдузлари”, “Ўзбекистон кўриқлари” китобларида киритилган очерклари бунга мисол бўла олади.

Жўра Саъдуллаев фаолият юритган бошқа газета ва нашрлардаги ҳамкасбларимиз бизни маъзур тутишсин, унинг “Тошкент ҳақиқати” газетаси тахририятида ишлаган йилларидаги

(Давоми. Бошланиши
1-саҳифада)

ижоди ўзининг сермахсул ва ранг-баранглиги билан фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Зеро, у бу даврда газета саҳифаларида эълон қилинган долзарб мавзулардаги мақолалари билан биргаллик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг жойлардаги қаҳрамонлари ҳақидаги очерк ва лавҳалар ҳамда ижоди маҳсули бўлган бадиий нашрлар, хусусан, “Замондош қалби” (2005 йил), “Асом гадаг нима дейди?” (2007 йил), “Умр оқар сув эмас” (2010 йил), “Овлоқдаги хонадон” (2010 йил), “Кўнгил тўлғоқлари” (2011 йил) каби етти китобга муаллифлик қилди. Унинг “Тошкент ҳақиқати” газетасига бағишланган “Йил-

лар, ижодкорлар, изланишлар” руқни остидаги “Давр кўзгуси” (2006 йил) китоби газетанинг тарихи, мамлакатимиз матбуотида тутган ўрни ва унда меҳнат қилган ижодий жамоанинг меҳнатларини белгилаб бериши билан алоҳида ўрин тутди.

Жўра Саъдуллаев журналистика оламида ёшларга соҳанинг сир-асорларидан сабоқ берган устоз ва мураббий сифатида ҳам муносиб жой эгаллаган. Бугунги кунда унинг кўплаб шогирдлари республикамизнинг турли оммавий ахборот воситалари ҳамда қатор идора ва муассасаларида самарали меҳнат қилиб келишмоқда.

У ана шундай ҳозиржавоб журна-



билан тахрир қилиб қўйганлигини эслашди. Дарҳақиқат, бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган қобилият ва истеъдод саналса керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 августдаги фармони билан матбуот соҳасидаги узоқ йиллик ва самарали меҳнатлари учун Матлубахон Маҳмудхўжаева “Шуҳрат” медали билан мукофотланди. Бизга устозларимиз ана шу мукофотга тавсия этиш жараёнида бўлиб ўтган бир воқеани айтиб беришган. Маълум бўлишича, номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли комиссияси томонидан бирма-бир кўриб чиқилар экан. Навбатдаги мажлисда комиссия аъзоларидан бири бу мукофот ижодий ходимларга берилиши керак, рўйхатга машинистка қандай қилиб киритилди, деган саволни ўртага ташлади. Шунда Президент маслаҳатчиси: “Мен бу опани билан, бутун умрини матбуотга бағишлаган. Менинча унинг номзоди ушбу мукофотга ҳар томонлама муносиб”, деганда унинг фикрига ҳамма қўшилган экан.

УЛАР ЧИНАКАМ ФИДОЙИЛАР ЭДИ

Журналистика ва адабиёт оламида ўзига хос шоир ва ижодкор сифатида эътироф этилган Шавкат Қулибоев (Шавкат Туроб)нинг ижод оламига кириб келишининг ҳам ўзига хос тарихи бор. 1945 йил Тошкент вилоятининг собиқ Калинин, ҳозирги Тошкент туманида таваллуд топган Шавкат Туроб олий ўқув юртини тамомлагач, ўз меҳнат фаолиятини Ички ишлар вазирлиги ходимлигидан бошлаган. Мана шу йилларда ҳам у бир баҳа бўлсин ижоддан тўхтамади.



Долзарб мавзудаги мақолалари, шеърлари билан марказий газета ва журналларда фаол иштирок этиб келди. Ундаги истеъдодни кўрган “Гулхан” журналининг ўша даврдаги бош муҳаррири, таниқли ижодкор ва адиб Тўлқин Қозобоев уни ишга таклиф қилади. Шу тариқа Шавкат Туробнинг журналистика оламидаги янги ҳаёти бошланади. Кейинчалик у ўзининг ижодий фаолиятини “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Туркистон”), “Ишонч”, “Қишлоқ ҳаёти” газеталари ва нашриётда давом эттиради.

Унинг “Тошкент ҳақиқати” газетаси тахририятидаги фаолияти ижодий ҳаётида алоҳида ўрин тутди, десак муболага бўлмайди. Шавкат Туроб газета тахририятининг энг мураккаб ва масъулиятли бўлимларидан бири хатлар ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими мудири сифатида газетхонларнинг арзи-ҳолини тинглаш, шикоят ва муурожаатлар билан ишлаш, асл ҳақиқатнинг илдизига етиб бориш ва шу асосда нашр учун тегишли материалларни тайёрлашга ҳаракат қилар эди. Зеро, у тажрибали журналист сифатида ҳар бир хатнинг ортида бир эмас, қанчадан-қанча одамлар тақдир бор эканини юракдан ҳис қиларди. Бирга ишлаган ҳамкасблар унинг ҳар

бир мавзунинг чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб ана шундан кейингина чоп этишга тавсия қилишини ҳалигача эслаб гапирарди.

Шавкат Туроб нафақат журналист, балки фаол ижодкор ва шоир ҳам эди. Унинг ижоди маҳсули сифатида нашр этилган “Тасаввур” (1976 йил), “Дориламон кунлар” (1982 йил), ҳаммуаллифликдаги “Свежий ветер” (1983 йил) ва мустақиллик экинлари ифода этилган “Чироғи ёниқ уй” (1996 йил) китобларидаги ижод намуналари ўзининг теран мазмунини билан кўпчилиكنинг эътирофига сазовор бўлган.

Биз 9 май байрами арафасида Шавкат акани эслаб, унинг яқин дўсти, таниқли шоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Темура Убайдулло билан боғландик. У киши Шавкат Туроб умрининг сўнгги йилларида яхши ният билан яна бир шеърий мажмуасини нашрга тайёрлашга киришганлигини айтиб берди. “Оқ тулпор” деб номлаган ушбу янги асардан Шавкат аканининг сўнгги йилларида ёзган шеърлари, бади ва ижодий кечинмалари ўрин олган экан. Афсуски, бешафқат ўлим уни орамиздан олиб кетди. Аммо Темура ака айтмоқчи, ундан бой ижодий мерос ва инсоний фазилатлар хотира бўлиб қолди.

Босма матбуотда ишлаганлар яхши билишади. У ўз-ўзидан дунё юзини кўриб қолмайди. Айниқса, газета чоп этилгунча минг бир чиғирикдан ўтади. Мана шу жараёнда мақола муаллифи билан бирга уни тайёрлашда номи кўрсатилмаган кўплаб ходимлар ҳам иштирок этади. Илгари журналистлар алқайдиган ходимлардан энг сараси ҳарф терувчилар, яъни машинисткалар бўлар эди. Биз куйида ҳикоя қилмоқчи бўлган яна бир касбдошимиз Матлубахон Маҳмудхўжаева бутун умрини ана шу касбга бағишлаган фидойилардан бири бўлган.

Энг қизиғи, унинг меҳнат дафтарчасида биргина “Тошкент ҳақиқати” газетасининг машинисткаси деган жумладан бошқа ёзув йўқ эди. Ҳа, шундай. 1952 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган Матлубахон Маҳмудхўжаева ўрта мактабни битиргач, машинисткалик курсида қисқа таълим олади ва 1970 йилнинг март ойида “Тошкент ҳақиқати” газетаси тахририятига ишга қабул қилинади. Шу даргоҳда 36 йил узлуксиз меҳнат қилиб, 2006 йилда ҳамкасбларининг олқишлари остида пенсияга кузатилади.

Аслида, мана шу қисқа ва оддийгина маълумотлар негизда Матлубахон опанинг кўп йиллик меҳнати маҳсули мужассам десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Унинг машинисткаси, кейинчалик компьютерида терилган сатрларни қўшсангиз ойгача икки маротаба бориб-келиш мумкин бўлса, ажабмас. Фақат шунга эмас, у билан бирга ишлаган устозларимиз “оддий машинистка” опанининг унча-мунча ижодкорнинг қовишмаган жумлаларини моҳирлик

Биз 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ҳамкасбларимизни эсладик, улар ҳақидаги хотираларни баён этдик. Дарҳақиқат, уларнинг ҳар бири бутун умрини матбуот ва унинг ривожига бағишлаган фидойи инсон ва ходим эдилар. Улардан муносиб фарзанду зурриётлар, шогирдлар қолишди. Демак, хотиралари мудом яшайди. Илоҳим, охиратлари обод бўлсин.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
/Тошкент ҳақиқати/

Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан...



Чирчиқ дарёсининг шундоқ биқинида жойлашган қишлоқдаги мўъжазгина ховлида яшардик. Анча кексайиб қолган бобом уйимиз деразасидан кўчага термулиб ўтирарди.

Онам мен билан катта опамни холамнинг тарбиясига берганди. Нега бундай қилганини болалигимда тушунмасдим.

Бир куни бобом холамга: “Карима, бу уруш халқимиз бошига қулфат олиб келди. Ким шундай бўлсин дебди. Опанг Ҳидоятнинг ҳам, сеннинг ҳам эринг урушдан қайтмади. Аммо, опангга фарзандлари таскин беради. Сенинг эса фарзандинг йўқ. Турмуш курсанг, балки фарзанд кўрсан. Мен ҳам онанинг олдида ёруғ юз билан борардим.” Холамнинг жавоби шундай бўлди: “Ота, мен турмуш қуриб бўлганман. Бу ёғи пешонамдан. Мана, синглимининг болалар бор. Шулар бизга суянчиқ. Умримнинг охиригача, сўнгги нафасимгача кўвингизни кутаман, қутишдан чарчамайман”, деди. Бу гапларнинг маъини каттароқ бўлиб қаддим...

Карима холам маҳаллада қайвони аёл бўлган. Ҳар ишда абжир ва чақон, пазанда, сўзга чечан. Холам турмушга чиққан вақтда уруш бошланган. Ўзбекистондан ҳам не-не забардаст ўғлонлар урушга отланди. Бизнинг Хонобод қишлоғимиздан урушга кетиб, қайтмаганлар орасида бобомнинг икки кўеви ҳам бор эди.

Орадан йиллар ўтди. Холам ҳар саҳар эшик томонга умид билан термулиб боқарди. Кечки таомдан алоҳида бир косага сузиб, устини сочиқ билан ўраб, бир чеккага олиб қўярди...

Кейинчалик уруш лавҳалари акс этган фильмлар телеэкранларда тез-тез намойиш этиларди. Холам фильмларни ҳаммадан кўра бошқачароқ, бутун диққатини жамлаб томоша қиларди. Назаримда, кадрлардан кинидир қидирарди. Жуда эҳтирос билан тикилиб қо-

лар ва ора-сира: “Отинг ўчгур, уруш!”, дея шивирлаб қўярди.

Бир куни қўлимга “Хотира китоби” тушиб қолди. Тошкент вилоятига бағишланган қисмини кўздан кечирдим. Охири тугамайдиган рўйхатдан холамнинг турмуш ўртолқари исмини изладим. Бор! Кейинчалик бу исмини Мустақиллик майдонида ўрнатилган Хотира китобида ҳам ўқидим. Лекин, холамга шунини кўриш ҳам насиб этмади. Бобом саксон тўрт ёшда омонатларини топширди. Орадан уч йил ўтиб холам ҳам олтимиш уч ёшда оламдан ўтди. Аммо, сўнгги нафасларигача кўзлари эшикдан узилмади...

Шу кунларда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаямиз. Бу кимнинг, ниманинг ғалабаси? Аслида бу инсоннинг Ватанга, онага, оилага ва ёрга бўлган садоқати ва матонатининг ғалабасидир. Бу буюк ғалабада ўзбек жангчилари билан бирга уларнинг вафодор аёлларининг ҳам ҳиссаси бекиёсдир.

Асрор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

МЕҲР МАНЗИЛИ

Вилоятимиздан Сардоба туманида сув тошқинидан жабр кўрган юртдошларимизга инсонпарварлик ёрдами жўнатиш тадбирлари узлуксиз давом этмоқда.

Нурафшон шаҳридаги вилоят ёшлар марказидан “Сирдарёлик ёшларга кўмак” акцияси доирасида биринчи “Меҳр карвони” Сирдарё вилоятига йўл олди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати қўшилган “Тўхтаниб ота” фермер хўжалиги жамоасидан озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва болалар ўйинчоқлари сардобаликларга етказилди.

Тошкент тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш



бўлимининг ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига сардобаликлар учун 2 тонна картошка,

2 тонна пивз, 1 тонна макарон маҳсулотлари жамланди.

Шунингдек, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ажратилган 11 та махсус техника, 12 та мотопомпа ҳамда 85 нафар шахсий таркиб хизматчилари “Сардоба” сув омборида содир бўлган тошқин оқибатларини бартараф

қилишда фаол иштирок этмоқда.

Улар ёрдамида Мирзаобод туманидаги аҳоли яшаш ҳудудларидан 46 минг метр куб. сув тортилиб, талафот оқибатида зарар кўрган 230 та аҳоли яшаш уйлари тиклаш, маҳалла кўчаларини тозалаш ишлари амалга оширилмоқда.

Чекловлар енгиллашди, бироқ...

Албатта, кўпчилик карантиндан сўнг аввалги ҳаёт тарзига тезроқ қайтишни истайди. Бироқ, дунёдаги эпидемик вазиятни чуқур таҳлил қилган ҳолда карантин беқор бўлган ҳам баъзи қоидаларни ўзимиз учун сақлаб қолганимиз маъқул. Яъни, ижтимоий масофани сақлаш, жамоат жойларида ёки уйда турли маросимлар ўтказишдан вақтинчалик чекланиш, шахсий гигиена талабларига риоя қилиш, қўлни тез-тез ювиш, тиббий ниқоб тақишда давом этиш каби қатор қоидаларга қатъий амал қилиш орқали коронавирус хавфидан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ЮКСАК ИНСОНИЙ БУРЧ

Айни синовли кунларда Юқори Чирчиқ туманида карантин тадбирларини олиб бориш асносида ҳудудда яшовчи ижтимоий кўмакка муҳтож, ногиронлиги

Жумладан, ҳудудий ишчи гуруҳ ҳамда туман прокуратураси томонидан аҳолининг бирламчи эҳтиёжидидаги товарлар – озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар нархини асоссиз ошириш ва сунъий танқисликни юзага келтириш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан зарур ва қатъий чоралар кўриб боришмоқда.

Туман прокуратураси бошчилигида бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган бозорлардан узоқ ҳудудларда жойлашган маҳаллаларда мун-

бўлган эҳтиёжманд оилалар ҳамда боқувчисини йўқотган қариялар ҳолидан хабар олишда прокуратура ходимлари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

тазам равишда кўнча савдо нукталари ташкил қилинмоқда.

Жумладан, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг туман бўлими билан ҳамкорликда прокурор секторидаги “Маърифат”, “Чумчуқар”, “Кавардон”, “Султонравот”, “Булқоқбоши”, “Кўрсой”, “Қангли” “Саксонота”, “Марказий”, “Тоштўғизок” маҳаллаларида арзонлаштирилган кўнча озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди. Бундан ташқари, “Чумчуқар” ва “Қорасув” маҳаллаларида аҳолининг сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан



ланган оилага биттадан қорамол тарқатилди.

Афсуски, коронавируснинг оқибатлари ҳақида жойларда олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамасдан айрим фуқаролар томонидан карантин талабларини менсимаслик ҳолатлари кузатилади. Масалан, тадбирлар давомида ниқобсиз ҳолда бемақсад юрган 554 нафар фуқарога нисбатан маъмурий чоралар қўрилди.

Шунингдек, департаментнинг туман бўлими томонидан жойлардаги озиқ-овқат дўконлари, дорихоналар ҳамда

“Юқори Чирчиқ деҳқон бозори” МЧЖ ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини сунъий равишда оширмаслик юзасидан профилактик суҳбатлар ўтказилди. Натижада, туман бўйича озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи барқарор ҳолда сақланиб қолди.

Сектор масъуллари томонидан ҳудудларда аҳоли томонларидан қай даражада фойдаланаётгани ҳам ўрганилди.

Бугунги синовли кунлар барчамиздан зийраклик, ўзаро ҳамжихатлиқни талаб этади. Бундай дамларда саховатпешалик, муҳтожларга ёрдам қилиш юксак инсоний бурч эканини унутмайлик.

Ғанишер АБДУСАЛОМОВ,
Юқори Чирчиқ тумани
прокурори

Ҳудудий секторлар фаолиятдан

Ўзбек тили, унинг қудрати, шукҳини кимгадир исботлаш учун биргина шу тилда ижод қилган миллатнинг буюк намоёндалари шарофига 36 давлатда ўрнатилган ёрғорликларни эслашнинг ўзи кифо бўлади...

Шу маънода яқинда қабул қилиниши кутилаётган қонун Асосида Ўзбекистон Республикаси Маъму-

ради.

Бу модда иккинчи қисм билан тўлдирилмоқда, яъни унга: "Давлат органлари ва ташкилотларида иш юртишида давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан беш баробаригача миқдорда жарима солишга сабаб

сини таъминлаш бошқа. Авваламбор, қонун қабул қилиниши жараёни билан биргаликда идора, корхона, ташкилотлар ҳамда муассасалар, ҳокимият тизимларида "Давлат тилида иш юртиш" масалаларини ҳам мустаҳкамлашимиз зарурдек. Бунинг учун барча таълим муассасалари битирув синфлари, гуруҳлари, курслари учун алоҳида "Давлат тилида иш юртиш" махсус курслари таълимини йўлга қўйиш лозим. Бугунги кунда ушбу курсларнинг дарс

қомусий қўлланмасини чоп этилиши вақти аллақачон етган. Бугунги кунда турли муаллифлар ҳамда турли нашриёт ва турли даврларда чоп этилган "Давлат тилида иш юртиш" китобларида чалкашликлар ниҳоятда кўп.

Шунингдек, иш юртишида Давлат тилига амал қилмаган, уни қўпол тарзда бузган корхона раҳбари билан биргаликда ўша ҳужжатларни тайёрлаган ходимга ҳам интизомий чора қўрилиши лозим.

Ҳар бир ташкилотдаги барча иш юртиш ҳужжатлари, ташқи эълонлар, рекламалар, хизмат гувоҳномаларида ёзувлар Давлат ти-

ИМКОНИАТ

ХИЗМАТЛАР ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА КЎРСАТИЛМОҚДА

Мамакатимизда карантин эълон қилинганидан сўнг фуқароларимиздан фарзандларини мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш ва навбатга қўйиш, электр таъминоти, газ, ичимлик ва иссиқ сув ҳисоблағичларини қиёслашдан ўтказиш билан боғлиқ қўллаб қўлланма келмоқда. Уларга аниқлик киритиш ва аҳолига енгиллик яратиш учун тезкор қарорлар қабул қилинмоқда.

Карантин даврида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ва коммунал ташкилотлар ишчи-хотимларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш долзарб ҳисобланади. Шу боис, Давлат хизматлари марказлари томонидан табиий газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини давлат қиёсловидан ўтказиш бўйича келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш муддатлари 2020 йилнинг 1 сентябрга қадар узайтирилди.

Бундан ташқари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларининг табиий газ, электр энергияси, ичимлик ва иссиқ сувдан бўлган қарздорликлари учун судга бериш ва таъминотни тармоқлардан узиш ҳам вақтинча тўхтатилди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, ҳозирги синови кунларда ҳам Давлат хизматлари марказлари ўз фаолиятини тўхтатгани йўқ. Аввало, қайд этиш жоизки, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш биринчи навбатдаги масала ҳисобланади. Кўпчилик бўлиб тўпланиб туриш бугунги шароитда тўғри эмас. Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган барча хизматлар электрон шаклда tugov.gov.uz портали орқали онлайн тарзда ва фақат чекитириб бўлмайдиган ҳолатлардагина идораларда амалга оширилади.

Шунингдек, ФХДЕ бўлимидаги фуқаролар ҳодимларнинг навбатчилиги асосида, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлардагина (туғилиш ва ўлим ҳақидаги даълатнома ёзувларини қайд қилиш) ташкил қилинган дарча орқали қабул қилиниши белгилан қўйилди. Шунингдек, марказларда электрон рақамли имзо бериш хизмати ҳам кўрсатилмоқда.

Яна бир қулайлик ҳақида айтиб ўтмоқчимиз. Агарда электрон рақамли имзонинг муддати тугаган бўлса, уни энди онлайн

равишда янгилаш мумкин. Бунинг учун, ЭРИ қалитлари эгалари e-imzo.uz веб-сайтидаги шахсий кабинетга кириш ва мейнудан "ЭРИ қалитини яратиш" ни танлашлари керак бўлади. Операцияни тасдиқлаш учун телефон рақамини киритиш лозим. Анкета маълумотлари текширилганидан сўнг, мобил телефонида СМС орқали юборилган тасдиқлаш кодини киритиш лозим.



Бу билан фойдаланувчи хизматларни тақдим этиш, ЭРИ қалитларини яратиш ва бериш бўйича оммавий оферта шартларига рози бўлади. Шундан сўнг, янги ЭРИ қалити учун пароль киритилади. Паролни эслаб қолиш ёки сақлаш керак, чунки у йўқолганда пароль ва рақамли имзо қалитини қайта тиклашнинг имкони бўлмайди.

Эндиликда электрон рақамли имзо қалитини онлайн шаклда олиш имкониятини яратиш устида ҳам ишлар олиб боришмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг тегишли хати бўйича болаларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш учун навбатга қўйиш амалиёти тўхтатилган. МТМлар фаолияти ва болаларни боғчаларга қабул қилиш бўйича йўлланмаларни шакллантириш хизмати қайта бошланиши санаси ҳақида қўшимча хабар қилинади.

Давронбек РАВШАНБЕКОВ, Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиги ўринбосари

ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ:

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



лида битилиши шарт.

Ҳозирда бу янгилик умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси биринчи ўринда. Халқнинг миллат сифатида тўла шаклланиши ҳамда ўзлигини англашида тилнинг иш юртиш ҳужжатларидаги

мавзулари тил ва адабиёт фанлари мавзуларига қўшиб юборилган.

Ўқув даргоҳлари битирувчилари, вазирилик, корхона, ташкилотлар, ҳокимиятлар учун илмий асосланган ягона "Давлат тилида иш юртиш"

ролини ошириб бориш зарур ва бу борада қилинган ҳар бир ислохот таҳсинга лойиқдир.

Моҳира ХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Митти ҳикоя

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Бир қария нон ўғирлагани туфайли суд қилинган. Қария айбини инкор этмади, аксинча, тан олиб, фақат бу ишни оч қолгани сабабидан содир этганини билдирди.

Ҳакам унга: — Сиз ўғирлик қилганингизни тан олиб турибсиз. Энди мен сизга ўн доллар жарима соламан ва бу

дан кейин ҳакам суд иштирокчиларига қарата шундай деди:

— Сизларнинг ҳам-мангизга ҳам ўн доллардан жарима соламан. Чунки сизлар яшаётган шаҳарда нон ўғирлашга мажбур бўлган фақир яшаётган!

Уша онда 480 доллар пул йиғилди ва ҳакам уни қарияга берди.



Ҳакам: «Қаердаки бир фақирнинг қорни тўйиб овқат емаяптими, демак у ерда бошқанинг ҳаққини еб ўтирган кимдир бор», деб судни якунлади.

Эълон

Диккат! Диккат! Диккат!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг бошланғич нархи	Объектнинг қолдиқ қиймати	Объектнинг номинал қиймати
1	«Арматура-изолятор заводи» МЧЖ ҚҚнинг устав фондидаги 16,15 фоиз давлат улуши	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 7-уй	«Арматура-изолятор заводи» МЧЖ ҚҚ	5 837 150 162,0	10 476 674 765,0	2 909 030 701,0

Инвестиция киритиш ва ижтимоий мажбуриятлар шарти билан 1 сўмлик қийматида савдога чиқариладиган объектлар

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Умумий ер майдони (га)	Бино ва иншоот майдони (қв.м)	Бошланғич суммаси (сўм)	Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестиция мажбуриятларини бажариш муддати (ой)	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони (нафар)
1	Собик иситтич қозонхона бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Охангарон шаҳри, «Қўрғон» МФЙ	Охангарон шаҳар ҳокимлиги	0,2056	216,04	1 сўм	1000	12	15

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 14 майдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча

маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинқўл 12-тор кўчаси, 115-уй. Маълумот учун телефонлар: (95) 340-80-10, (71) 293-90-59.

e-mail: toshvil@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли талбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 233-30-56 рақамли Ишонч телефонида зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Депутат минбари

Бир куни ўғлим Алишер: "Дада бу йил бодринг эканми?"—деб қолди. Кичкиналигидан бодрингларни палагидан узиб олиб, маза қилиб ейишни яхши кўради-ган ўғлимнинг гапларини эшитиб, раҳматлик дадамнинг: "Вақтида экилган экин серҳосил бўлади, ерни увол қилмайлик, гуноҳ бўлади", деган ўғитлари ёдимга тушди.

— Томорқамиз 6 сотих, ер бемалол, картошка, помидор, сабзи, қулупнай, булғори, баклажон экдик, икки қаторгина бодринг ҳам эксак яхши бўлади, — дедим ўғлимни қувватлаб.

Шу ҳаёллар билан телефонни қўлимга олиб, никоьбни юзимга тақиб, кўчага чикдим.

— Ассалому алейкум бобо, дарвозадан ташқарига чиқманг...

— Ҳой укам, далага кетаётганингда юзингга никоьбнинг тақ...

— Амаки, молларнинг қозигини яхшилаб қоқинг, бугдойни пайхон қилмасин...

— Томорқага нималар экингиз?... Ҳозир кўчада бунақа гапларни ҳар кун, ҳар маҳаллада эшитасиз.

ЭКИЛМАГАН КИННИНГ ТАШВИШИ

Бир вақт маҳалла раисимиз Гулойша опанинг куйиб-пишиб (ўзи доим куйиб-пишиб юради барака топгур) келаётганини кўриб, мен ҳам пешвоз чикдим.

— Эй, Анавар, анави Расулпивоғи (ҳар кун қўлида бир баклашка пиво кўтариб юргани учун исмига пиво сўзи қўшиб айтилади) томорқасини бир кўрин, ўт босиб кетган, хотини кечгача ухлайди, Расул уззукун кўчада... Минг марта айтсам ҳам қулоғига илмайди, сен депутатсан, ўзинг бир нима дегин, балки қимирлаб қолар.

— Ҳўп, албатта, гаплашаман, — дедим.

Маҳалламизнинг номи қизиқ — Чукүровул. Сабаби ярами пастқам, қуқуриқда. Ярами тепалиқда жойлашган кўчамизнинг номи эса Юқориовул, менимча, жойнинг текис-нотекислигига қараб номлашган...

Маҳалламизда уй бекалари ва нафақадагиларни ҳисобга олмаганда бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Қимирлаган жон борки, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик билан машғул. Маҳалламиз одамлари меҳнатсевар, болалиқдан шунга ўрганишган.

Мақтанчоқлик қилиб, Расулпиво эсимиздан чикибдику. Шундай қилиб: — Ассалому алайкум, Расул ака, — дея дарвозасини тақиллатмай ҳовлисига кириб бордим.

Расул аканинг ҳовлиси дарахтзор, мева деганнинг ҳаммасидан бор, узум сўриси тағида баланд супа, атрофида атиргуллар тарвақайлаб, бўзариб турибди (қузда кесилмаганда). Дарахтларга ҳам шакл берилмаган, супанинг тўрида ўзи, сўлида қуббадек бўлиб

олиши ҳақида узоқ тушунтиришга тўғри келди. Хуллас, ҳар гапга бир баҳонаси бор, денг...

Расул аканинг: "Ерни ким ҳайдайди? Уруғни қаердан оламан? Сув нима бўлади? Қачон пишади? Қаерда сотаман? Такси бозорга қанчага олиб боради? Паттага қанча тўлайман?" каби боши-кеди кўринмайдиган саволларига жавоб берар эканман, депутатликка номзодимни илгари сурган "Миллий тикланиш" партияси Ўрта Чирчиқ тумани кенгаши раиси Бахтиёр аканинг жилмайиб турган чехраси кўз олдимдан ўта бошлади...

Хуллас, бир инсоннинг томорқа ҳақидаги фикрларини ўзгартирганимча яна бир донга сочим оқарди.

Кетар чоғда, кузатиб чиқаётган Расул аканинг 10 сотих еридан келажакда оладиган даромади ҳақидаги ҳаваслари, уйғонаётган гайрати, эртагаёқ ўтларни тозалаб, тракторда ерни тайёрлаб, экин экиши (шунда ҳам трактор ва уруннинг пулини қарзга бериб турадиган бўлдим) ҳақидаги гапларидан хурсанд бўлиб кетаётсам, сўнги битта саволи ўйлантириб қўйди.

— Депутат укам, ҳаммаси оғизда яхшикуя, аммо етиштирган маҳсулотимнинг нархи тушиб кетса, ёки касал уриб, экин нобуд бўлса, ёки харидор топилмаса мен кетказган харажатимга ким жавоб беради, яна сендан қарз бўлиб қоламаним?

Бу ҳақда ҳам ўйлаб қўришга ва жўяли таклиф айтишга келишиб, хайрлашдим.

Анвар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Халқ депутатлари
Ўрта Чирчиқ тумани
кенгаши депутати

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқарувининг 2020 йил 17 апрелдаги 31-сонли қарори билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент

вилояти кенгаши тугатилди. Эътироз ва аризалар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичда Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Хуррамлик кўчаси, 3-уйда қабул қилинади. Маълумот учун телефон: 70-762-53-28.

Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Ц-6, 89-уй, 29-хонадонга тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бахтимиз бобо-бонлари



Улар билан яқиндан танишгинг.

Эргаш ота Кўчқорбоев – 1925 йилда Куйи Чирчиқ туманида таваллуд топган. 1943 йилда фронтга кетиб, дастлаб Беларуссияда, кейинчалик Германияга бўлган жангларда қатнашган. 1950 йилда она юртига қайтган. Оила куриб, 3 киз ва бир ўғлини ҳалол ин-

(Давоми. Бошланиш
1-саҳифада)

сонлар қилиб вояга етказган. Ҳозирда "Мевазор" маҳалласининг қадрли маслаҳатгўйи.

Қовунбой ота Холматов – 1925 йилда Куйи Чирчиқ туманида таваллуд топган. 1943 йилда фронтга кетиб, Жанубий Сахалинда жанг қилган. 1949 йилда она юртига қайтган.

Оила куриб, 4 ўғил ва 4 қизни тарбиялаб, вояга етказган. Бугунги кунда "Хўжапискон" маҳалласида фарзандлари, неваралари, чеваралари қуршовида пири бадавлат бўлиб яшамоқда. 95 ёшга кирган бўлса-да, Қовунбой ота анча тетик. Меҳнатқаш бу инсонни маҳалладошлари жуда ҳурмат қилишмоқда. Отаҳоннинг хонадони доимо гавжум. Уни

йўқлаб келувчиларнинг кети узилмайди.

Тошпўлат ота Мусуров – 1920 йил 12 декабрда таваллуд топган. Уруш даҳшатларини бошидан кечирган Тошпўлат ота 9 фарзанднинг отаси, 40 нафар неваралари, 45 чеваранинг севимли бобоси. У истиқомат қиладиган Қўрғонча қишлоғидаги "Тукбай" маҳалласи фаоллари доимо отахонни йўқлаб туришади. Урушдан кейинги қийин шароит-

да Тошпўлат ота ўзининг ҳалол меҳнати, жонқурлиги билан кўпчилигининг оғирини енгил қилиб, эл-улус ҳурматини қозongan.

Дарҳақиқат, бу отахонларнинг ҳаёт йўлини бир бутун қилиш мумкин. Қани энди, туманимизда шу каби инсонларга бағишланган китоб ёзадиган, кинофильм оладиган ижодкорлар чиқса. Ахир, улар бизнинг ҳозирги фаровон ҳаётимиз учун курашишган...

Дарвоқе, нафақат Иккинчи жаҳон урушида, балки Ватанимиз мустақиллиги учун курашда, истиқлолимизни сақлаб қолиш ҳамда сарҳадларимизни ғанимлардан қўриқлаш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган оталаримиз, ака-укаларимизни ҳам доимо хотирлашимиз, орамизда яшайётганларини эса қадрлашимиз зарурлигини ҳар бир юртдошимиз яхши билади. Бундай инсонларнинг ибратли фаолиятини халқимиз, аynиқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ва шу орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ҳеч қачон сусайтирмаслик керак.

Шоира **ХАБИЛОВА**,
Куйи Чирчиқ туманидаги 28-сонли мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Иккинчи жаҳон урушида

қозонилган Ғалабанинг

75 йиллиги



ЖИГАРИНГИЗНИ бера оласизми?

Иккинчи жаҳон урушининг фронт орти укубатлари окоплардаги қирғиндорлардан оз эмасди. Фронтдаги аскарларни озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқ-дори билан таъминлаш, содиқ Иттифоқ марказидаги юзлаб корхоналарни Тошкентда тиклаб, уларни юргизиш ота-боболаримиз гарданига тушганди ва улар бу вазифани шараф билан адо қилганлар. Уларнинг матонат ва жасоратлари жанг-гоҳларда жон олиб, жон берган аскарларнинг кўргулигидан қолишмасди...

банкига 303 минг сўм пул топшириб, шу маблағга жанговар самолёт қуришларини сўрайди.

«Северный маяк» жамоа хўжалигининг раиси С.Цойнинг ўзи 1943 йилнинг январь ойида «Колхозник Узбекистана» самолётлар звеносини қуриш учун 1 миллион сўм маблағ ўтказгани тўғрисида матбуот саҳифаларида ёзилган.

1942 йили туман меҳнаткашлари 3 марта яқшанбаликлар ўтказиб, ундан тушган маблағни танк колоннаси учун юборишади. Қамалдаги Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) аҳолиси учун Ўрта чирчиқликлар 1942 йилнинг эзида 100 минг сўмдан ортиқ пул, 11 тонна гуруч, бир неча юз килограмм бугдой ва бошқа кўллаб озиқ-овқатлар, ўнлаб бош қорамол ва кўйлар юборган эканлар...

Пул – жигардан, дейдилар, бироқ, то Рейхстагда Буюк Ғалаба байроғи сарбаланд хилпирамагунча Ўрта Чирчиқ ахлининг хиймати, саховати ва матонати ортасида, сира озайгани йўқ. Урушнинг суронли йилларида бағрикенглик ва қалби-дарёликни, мурувват ва саховатни широр билган мард ва жасур бобо-момоларимизга балли!

Отабек **ИСРОИЛОВ**
тайёрлади

ДАДАМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Дадам Ибрагим Беков (охиратлари обод бўлсин) 1919 йилда Оққўрғон туманининг Таштўғон қишлоғида туғилган. 1939 йили армия сафига қаҳририлиб, ўқчи полк сафида ғарбий Украинада хизматни бошлаган. Бу полк урушни биринчилардан бўлиб қарши олган.

Урушнинг дастлабки кунларида кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли, Львов шаҳридан Харьковга чекинишга мажбур бўлишган. Отам шаҳар химояси учун кечган шиддатли жангга оғирдан жароҳат олиб, госпиталда икки ой даволаниб, яна сафга қайтган. Москва остоналарида биринчи махсус чанги батальонида мерган (снайпер) бўлган.

Отам уруш хотираларидан кўп сўзлаб беради. Бир жангда фашистлар пистирмасига тушиб қолиб, бутун батальон қирилиб кетган экан. Икки оёғига ўқ тегиб, кўп қон йўқотиб, хушидан кетган отамни санитар ит жанг майдонидан судраб олиб чиқиб, ҳаётини сақлаб қолган. Саратов шаҳрида бир ой, Исфарадаги госпиталда олти ой даволаниб, 1942 йилнинг эзида қишлоққа келган ва соғлиги тиклангач яна фронтга йўл олган. Уруш тугагунча қурол-аслаҳа етказувчи поезд эшелонларида қоровул-қузатувчи бўлган. 1946 йилда она юртига бир неча орден ва медаллар билан қайтган.



Урушдан сўнг, дастлаб пахта бригадасида сўчи, кейинчалик йигирма беш йил табелчи, 1972 йилдан 1990 йилга қадар бобо-бонлиқ қилган. 1995 йил биринчи май куни вафот этган.

Дарвоқе, отамнинг уруш ва госпиталлардаги ҳарбий врачларнинг жасоратлари тўғрисидаги ҳикоялари бир ўғил ва икки неваранинг ҳарбий бўлишига туртки берган.

Мен дадам билан фахрланаман.

Сафарали **БЕКОВ**



“БОБОНГГА ЎХША, ЎҒЛИМ!”

Бекобод шаҳридаги Муқимий номи маҳаллада яшаган Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Уктам бобо Дўстматовга Ғалабанинг 75 йиллиги тантанасини нишонлаш насб этмади. Отахон ҳаёт бўлганларида тўқсон бешинчи умр баҳорини қарши олган бўларди...

...1-Белоруссия фронтдан Ғалаба билан қайтган Уктам бобо Бекобод шаҳридаги “Ўзметкомбинат” АЖ корхонасининг мартен цехида узоқ йиллар ишлаб, кўплаб шогирдларга устозлик қилган. У том маънода йирик жамоанинг фахри эди.

Ибратли оила бошлиғи Уктам Дўстматов 10 нафар фарзандни тарбиялаб, уйли-жойли, касб-корли қилди. 38 нафар неваралари чеваралар Уктам бобонинг муносиб давомчиларидир.

– Ҳақиқатан ҳам, инсон умри мисоли дарё экан. Отамиз оиламизнинг ҳам қувончи, ҳам устун эдилар. Бугун биз, фарзандлари отамизнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўллари хотирлаб, фақат гурурланамиз, – дейди Ҳафиза Дўстматова. – Истагим, фарзандларимиз ҳам боболари каби мард ва жасур, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайишсин.

Султонбой **ДЕҲҚОНОВ**
олган архив сурат

МАЪНАВИЙ ПОКЛАНИШ ПАЛЛАСИ

Мана, бир неча кундирки, моҳи Рамазон шукҳи билан яшамоқдамиз. Рамазон – згулик сайли, тоат мавсуми, яхшиликлар фаслидир. Бу йилги Рамазон ойи оғир ва синовли кунларга тўғри келганига қарамай, юртимиз мусулмонлари кундузлари рўза тутиб, кечалари ибодатда бўлиб, элимизга тинчлик, қалбларимизга хотиржамлик тилаб дуо қилмоқдалар.

Кимдир бу бебаҳо ойда ўзини ҳар томонлама ислоҳ этиб, хатоларини тузатиш, ҳасад, гинаю кудурат, хусумат каби иллатлардан қалбини тозалаш, ўзи учун покиза ҳаёт саҳифасини очмоқда. Яна кимдир хайрли ишлар учун кўпроқ ажру савоблар бериладиган фурсатларда меҳру муруват, саховат сийлаи раҳм ила олижаноб ишларни имкон қадар бажармоққа бел боғлаган.

“Ҳар ишда бир ҳикмат бор”, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, бу йилги баҳор одамлар онги ва шуруғи ўзгача таъсир қилган бўлса-да, синовлар уларни бир-бирларига янада яқинлаштирди.

Бугун буни ҳар қадамда кўриш мумкин: ён қўшнимиз муборак кунлар бошланиши билан кўп хайриялар қилганига гувоҳман. Яна бир қўшним эса

ифтор вақтида маҳалламиздаги олтимишга яқин хонадонга ош таркатди... Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Зеро, асл саховатпешалик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ўзбек миллатига хос ҳислатларнинг ёрқин намунасига айланди.

Бу ташаббус “Ҳар бира ёшга бир гектар!”, “Минг оилага – минг бош қорамол!” сингари широр остида амалга оширилаётган хайрли ишларни ўз ичига олди. Эндиликда биргина вилоятимиз бўйича минглаб ёшлар далага – ўзларига бириктириб берилган экин майдонларига отландилар. Хайрия қилиш, саховат кўрсатиш

вилоят ишбилармонларининг, тадбиркор ва фермерларининг асосий фаолияти бўлиб қолди. Мухими, улар бу ишни қалб амри билан қилмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ушбу муқаддас ойда ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар кун сайин ортиб бормоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг қўллаб қарорларида ҳам жамиятдаги руҳий барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳозирги синовли машаққатларни ҳамжихатликда енгилб ўтиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик



моҳиятини, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ёш авлодни маънавиятли этиб тарбиялаш масалаларига ургу берилган.

Сайёра **ФАЙЗИЕВА**,
Республика “Маънавият ва маърифат” маркази вилоят бўлими раҳбари,
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги

офисимиз:

100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:

(факс)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почта: toshkenthaqiqat@mail.uz

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

th-lp@inbox.ru

Тошкент вилояти

Ахборот ва оммавий

коммуникациялар бошқармасида

2011 йил 12 январда 03-001 рақами

билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер

марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев

томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Кумуш **ЭГАМБЕРДИЕВА**

Назоратчи мусоҳиҳ

Аллома **АЗИЗОВА**

Навбатчи

Равшан **БАЙЖАКОВ**